



- * Ал-Мотуридий таълимоти, у қандай таълимот?
- * Бўлажак оналар учун керакли маслаҳатлар
- * Жаҳон матбуот эркинлиги кундаги эркинлик
- * Дунёда гўзал хонимлар билан қумхўрлар ҳам бор



Туркистон

Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 3 Май Чоршанба.
№ 35 (14317)

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ҲИНДИСТОНГА ТАШРИФИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Дехли, 2 май. ЎЗА махсус мухбири Бехзод Усмон хабар қилади: Эрта-лаб “Раштрапати Бхаван” майдонида давлат ташрифи билан Ҳиндистон Республикасига келган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Майдонда мамлакатимиз раҳбарини Ҳиндистон Президенти Кочерил Раман Нараянан ва Бош вазир Атал Бихари Важапаи қарши олди. Ислон Каримов махсус шоҳсупага кўтарилгач, икки давлат мадҳиялари янгради. Президент фахрий қоровул сафи олдида ўтди.

Шу ернинг ўзида Ислон Каримов Ҳиндистон оммавий ахборот воситалари вакиллари саволларига жавоб берар экан, Ўзбекистон Ҳиндистон билан барча соҳаларда, энг аввало, хавфсизлик борасида ҳамкорликдан манфаатдор эканлигини таъкидлади.

Шундан сўнг Ислон Каримов Ҳиндистон мустақиллигининг асосчиси Махатма Ганди хотирасига бунёд этилган ёдгорлик мажмуини зиёрат қилди.

“Раштрапати Бхаван” қароргоҳида Ислон Каримов Ҳиндистон ташқи ишлар вазири Жасвант Сингхни қабул қилди. Сўхбат чоғида ўзаро алоқаларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. “Ҳайдаробод” саройида эса Ислон Каримов Ҳиндистон Бош вазири Атал Бихари Важапаи билан учрашди. Яккама-якка сўхбат давомида давлатлараро муносабатларнинг асосий тамойиллари хусусида фикр алмашилди. Шундан сўнг музокара-лар Ҳиндистон ва Ҳиндистон давлат делегациялари аъзолари иштирокида кенгайтирилган тартибда давом этди.

Учрашувлар якунида дўстона алоқаларни ривожлантиришга хизмат қилувчи ҳужжатлар қабул қилинди. Ислон Каримов ва Атал Бихари Важапаи Ўзбекистон Республикаси билан Ҳиндистон Республикаси ўртасида ҳамкорлик тамойиллари тўғрисидаги Қўшма баёнотга имзо чекди. Шунингдек, жиноят-қидирув ишларида ҳуқуқий ёрдам ва экстрадиция тўғрисидаги шартномалар, ҳукуматлараро кредит битими, қишлоқ хўжалиги тадқиқотлари ва таълим соҳасида ўзаро англашув тўғрисидаги меморандум, маданият соҳасида ҳамкорлик ҳамда ахборот алмашуви ва оммавий ахборот воситаларининг ҳамкорлиги тўғрисидаги протоколлар, божхона органларининг ўзаро ёрдами ҳақидаги битим, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан Ҳиндистоннинг “Пресс Траст оф Индия” ахборот маҳкамаси ўртасида касбий ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Оқшом “Ҳайдаробод” саройида Ҳиндистон Бош вазири номидан Президент Ислон Каримов шарафига қабул маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Ҳиндистон Республикасида давлат ташрифи давом этмоқда.

(ЎЗА)

Бугун бизнинг олдимизда шундай тарихий имконият пайдо бўлдики, биз босиб ўтган йўлимизни танқидий баҳолаб, миллий давлатчилигимиз негизларини аниқлаб, буюк маданиятимиз томирларига, қадимий меросимиз илдизларига қайтиб, ўтмишимиздаги бой анъаналарни янги жамият қурилишига тадбиқ этмоғимиз керак.

Ислон КАРИМОВ



Сураткаш: А. ҲАМИДОВ

ИШОНЧ ҚАРВОНЛАРИ

Ўзбекистонлик полвонларнинг ғалабаси

Хитойнинг Гулин шаҳрида эркин кураш бўйича Осиё чемпионати ниҳоясига етди. Бу чемпионатда саккиз нафар спортчимиз иштирок этиб, саккизта медални қўлга киритиб, жамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди. Шу пайтгача мамлакатимизнинг бирорта ҳам миллий жамоаси бундай муваффақиятга эриша олмаган эди.

Чемпионатда беллашувлар жуда қизғин кечди. 13 мамлакат вакиллари Осиё чемпиони номини олиш ҳамда айни пайтда Сиднейда бўлиб ўтадиган Олимпия ўйинларига бериладиган йўлланмани қўлга киритиш учун ўзаро куч синашди.

Ўзбекистонлик курашчилар бешта олтин, иккита кумуш ва битта бронза медални олишга муваффақ бўлди.

Шундай қилиб, Артур Таймазовнинг орзуси рўёбга чиқди — ғалаба унга Сидней —

2000га йўлланмани қўлга киритиш имконини берди.

Рамил Исломов, Игор Купеев, Руслан Хинчагов, Расул Катиновасов эса бундай лицензияга эга.

Дамир Захардинов ва Сослан Фраев кумуш, Адҳам Очилов эса бронза медални соҳиби бўлди.

Туркияда ўсмирлар ўртасида эркин кураш бўйича ниҳоясига етган йирик халқаро турнирда ҳам ҳамюртларимиз Музаффар Абдурахмонов билан Зоир Азимов ғалабага эришди. Баҳром Ирисметов ва Жамшид Саидов тўртинчи ўринни эгаллашди.

Биз курашчиларимизнинг Сиднейда бўлиб ўтадиган Олимпия ўйинларида ҳам голибликни қўлга киритишларига ишонамиз.

(ЎЗА)

Буюк ватандошимиз ал-Мотуридий энг аввало калом илми соҳасида том маънода тарихий ишлар қилган бўлиб, ўзига хос мактаб яратган ва бу мактаб унинг табаррук номи билан мотуридийна мактаби (йўналиши) деб аталади.

Калом илмига таъриф берадиган бўлсак, бу илм диний ақидалар ва уларнинг усулларини ақлий далиллар ва исботлар асосида талқин қилиб, улардаги ҳар қандай шубҳали, бир томонлама қарашларга барҳам берадиган илмга айтилади. Калом илми билан шуғулланидиган олимларга мутакаллимлар дейилади.

Имом Абу Мансур ал-Мотуридий яшаган тўққизинчи асрнинг иккинчи, ўнинчи асрнинг биринчи ярми исломий илмлар ва ғоялар гуркираб тараққий қилган бўлиб, бу илм таркибий қисмларидан бирини ташкил қиладиган калом илми ҳам ўз тараққиёт босқичининг айна гуллаган даврига кирган эди. Айна вақтда барча илмлар қатори исломий илмларда ҳам ҳурфикрлик — ўз нуқтаи-назари ва қарашларини далил ва исботларга таяниб эмин-

ганимиз каби) сизларни ўрта (адолатли) бир миллат қилдик, деган ибораларни бу ўринда Куръони каримнинг “Бақара” сурасининг 143-оятини келтириш ўринлидир. Бундан халқ ўртасида кенг тарқалган “хайр ул-умур авсотуҳо” (“ҳар бир ишнинг ўртачаси яхшидур”) деган азалий ҳикмат ҳам бежиз айтилмаганлиги аён бўлади.

Имом Абу Мансур ал-Мотуридийнинг калом илмидаги бу ғоялари унинг бизга етиб келган икки йирик асариди “Китоб ат-Тавҳид” ва “Китоб таъвилот аҳл ас-сунна” (бу асар “Таъвилот ал-Куръон” деб ҳам юритилади) батафсил баён қилинган. Умуман олганда тарихий манбаларда зикр қилинишича, имом ал-Мотуридийнинг қаламига мансуб асарларнинг сони ўн бештага етади. Юқорида номлари келтирилган икки асаридан ташқари имом ал-Мотуридийнинг илмий-маънавий меросида ўша даврда фаолият кўрсатиб динни асл мазмун-моҳиятини нотўғри талқин қилиб, эътиқод, билиш (маърифат) масалаларида чалқаш ва хато қарашларга эга

шуни алоҳида таъкидлаш керакки, имом ал-Мотуридийнинг билиш назариясида ақл-идрокнинг алоҳида ўрни бор.

Гарчанд имом ал-Мотуридий бир қатор исломий илмларда сезиларли муваффақиятлар қозongan бўлсада, лекин унинг ислом динининг равнақиға қўшган улкан ҳиссаси калом илми соҳасидаги таълимоти дир. Чунончи, имом-ал-Мотуридий ҳанафий мазҳабининг асосчиси Абу Ҳанифа ҳазратлари асослаган назарияга таянган ҳолда барча амалларни-меъёрлар, эътиқодлар, қоидалар, фаолиятларни Оллоҳ яратди, лекин уларга муносабатни инсон ўз иймон-ихтиёри билан амалга оширишлиғига ишорат қилади. Мана шу жараёнда инсоният учун имом ал-Мотуридийнинг “афъоли ихтиёрий” бўлишлиғи, яъни “инсонда ирода эркинлиги мавжуд” деган фикри ғоятда долзарб аҳамият касб этади. Бу талқин гарчанд барча ишлар Оллоҳ-таоло томонидан муқаддар (тақдир) этилган бўлса-да, лекин инсоннинг баъзи ишларига соҳиби ихтиёрликни ҳам бергандир. Буюк

ИМОМ АБУ МАНСУР АЛ-МОТУРИДИЙ ВА УНИНГ ТАЪЛИМОТИ

эркин ифода қилиш тенденцияси кучаяди. Бу ҳол ўз навбатида жаҳмиётлар, қаромитлар рофизийлар, муржиълар, карромийлар ва бошқа ҳидоят йўлидан адашган оқим ва гуруҳларни пайдо бўлишига ҳам олиб келганди. Айниқса, бундан анча олдин пайдо бўлиб кўпчилик ўлкалар каби Мовароуннахрни ҳам қамраб олган муътазила оқимининг хато қарашлари жамият аъзолари ўртасида хилма-хил зиддиятлар ва ихтилофларга сабаб бўлган эди.

Мана шундай шароитда аҳли сунна вал-жамоа (суннийлар) таълимотининг ғоялари ажойиб ютуқларга эришди. Тўққизинчи асрнинг охирида сунний йўналишдаги имом Абу Мансур ал-Мотуридий Самарқандда, имом Абу-л-Ҳасан ал-Ашъарий Бағдодда ва имом Абу Жаъфар ат-Таҳовий Мисрда муътазила оқими тарафдорларининг асосий қуроли бўлиб келган ақл-идрокка асосланган ҳолда аҳли сунна ақидасини ҳимоя қилиб чиқдилар. Улар ўз нуқтаи назар ва қарашларини асослаш учун энг аввало ақлий далил ва исботларга таяниб улкан ютуқларга эришдилар. Имом Абу Мансур ал-Мотуридий шу жараёнда, яъни сунний оқимидаги ҳанафий мазҳабининг асосчиси Абу Ҳанифа ҳазратлари таълимотининг нафақат толмас давомчиси, балки сунний йўналишдаги калом илмининг асосчиси сифатида шуҳрат қозонган. У, агар таъбир жоиз бўлса, аҳли сунна вал-жамоа ақидасининг галабасига ақл-идрок воситасида эришган буюк алломадир. Мавриди келганда айтиш керакки, имом ал-Мотуридий-гача калом илми фақат нақлга (ривоят, ахборот) таяниб ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган. Имом ал-Мотуридий илгари сурган калом илмини кузатар эканмиз, у асосан иккита асосий манбага: ақл ва нақлга таяниб иш тутганини, агар фикр-мизини аниқроқ айтадиган бўлсак, у ўз назариясини мана шу икки манба ўрталлиғида (арабча тавассут) яратган. Бинобарин муборак ислом динимиз таълимотларида ҳам диний, ҳам дунёвий ишларда ўртача бўлишлик ғояси илгари сурилган. Шунингдек, (яъни Ҳақ йўлга ҳидоят қил-

бўлган турли оқим ва гуруҳларга қарши раддиялар билдириш асосий ўринни эгаллайди. Шунга кўра, аллома асарларининг номлари ҳам уларнинг мазмун-моҳиятини ифода этади. Лекин шу нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, имом ал-Мотуридий ўз рақиблари билан мунозара қилиб уларга раддия берганда ҳар доим исломий одоб-ахлоққа оғишмай риоя қилган ҳолда ғоятда андиша ва камтаринлик билан, айна вақтда ўз нуқтаи назарини собитқадамлик ва қатъият, изчил ҳимоя қилган тарзда олиб борган.

Тавассут (ўртасида бўлиш) ғояларини амалга ошириш учун ақл аҳкомларини ҳам, нақл аҳкомларини ҳам мукаммал билишлик талаб қилинган. Имом ал-Мотуридий таълимотлари мана шу талабларга тўлиқ жавоб берган, у ақл ва нақлга асосланган ўз қарашларини ғоятда адолат юзасидан баён қилган. Ўзи илгари сурган ғояларга мана шу мезондан ёндашиб, фикрий (ғоявий) мустақилликка ҳам алоҳида эътибор берган, қандайдир бирор тоифа ёки оқимга оғиш кетиш ёки оз бўлсада мутаассиблик изҳор қилиш каби иллатлардан узоқ бўлган.

Билим (маърифат) назарияси калом илми билан шуғулланган олимларнинг ҳар доим ҳам диққат эътиборида бўлган. Лекин шу билан бирга алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу масала билан илмий асосда жиддий шуғулланганлардан бири Абу Мансур ал-Мотуридийдир. Унинг қаламига мансуб иккала йирик асар — “Китоб ат-Тавҳид” ва “Таъвилот аҳли ас-сунна”да ҳам дастлабки қисмлариданоқ билим назариясига бағишланган. Айниқса буюк алломанинг “Китоб ат-Тавҳид” асари калом илмидаги билиш назариясига бағишланган энг дастлабки манба бўлиб, муаллиф ушбу масалани ғоятда нафис услубда ифода этади. Имом ал-Мотуридий таълимотига кўра, билишнинг учта асосий манбаи бор: ҳиссий (сезги) аъзолар воситасида, нақл — ривоятлар воситасида ва ақл-идрок воситасида. Мавриди келганда

аллома бундан қарийб ўн икки аср муқаддам илгари сурган бу тарздаги илғор ғоялар бир

томондан инсоннинг ўз хатти-ҳаракатлари олдида масъуллиги ва эътиқодий жавобгарлигини оширса, иккинчи томондан инсон тафаккури, унинг ақл-идроки ва салоҳиятининг имкониятлари чексиз эканлигини кўрсатади. Алломанинг маънавий мероси билан танишар эканмиз, унда ҳаётий масалалар ҳам мукаммал суръатда ўз аксини топганини кўраимиз. Жумладан инсон ўз ҳаёти давомида турли хил имтиҳонлар ва синовларга дуч келишлиги табиий эканлиги, айна вақтда инсон ўз ақл-заковати ва ҳидоят йўлига амал қилишлиги орқали ушбу синовлардан муваффақиятли ўтиш имкониятига эга эканлиги ҳам таъкидланган. Имом ал-Мотуридийнинг ижодида, айниқса унинг билиш назариясига оид таълимотлари муҳим аҳамиятга эгадир. Масалан, Оллоҳнинг зоту-сифатлари, унинг каломи Куръони каримни чуқур идрок этиш, оламнинг яратилиши, Оллоҳ ва инсон ўртасидаги муносабатлар, инсон фаолиятини белгилловчи омилар каби масалалар тўғрисидаги алломанинг ўзига хос таълимотлари аниқ далиллар ва исботларга асосланганлиги билан ажралиб туради.

Имом ал-Мотуридий фаолиятида муборак ислом динининг ҳаётбахш ғояларининг софлиги, эътиқодий масалаларни бир томонлама ва хато талқин қилиб залолатга ботган ҳар хил тоифалар ва оқимларга қарши кураш, Куръони карим ва Ҳадиси Шарифларга таянган ҳолда асосли раддиялар бериш салмоқли ўринни эгаллайди. Шу боисдан алломанинг ўлмас таълимотлари бугунги кун учун ҳам катта амалий аҳамият касб этиб, ҳидоят йўлидан адашган баъзи бузғунчи гуруҳларни фош этишда муносиб ҳиссасини қўшиши шубҳасиздир.

**Убайдулла УВАТОВ,
Халқаро “Олтин мерос” хайрия
жамғармаси раисининг биринчи
ўринбосари**

“ШУНҚОРЛАР” МУСОБАҚАСИ

Республикаимиз ёшларини ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда миллий истиқлол ғояларини мустаҳкамлаш, Она-Ватан ва Президентимизга садоқат ҳиссини шакллантириш, ўқувчи-ёшларни Қуроли Кучлар сафларига, Олий ҳарбий ўқув юртларига ўқишга қиришларига тайёрлаш мамлакатимизга учун жуда муҳимдир. Шуларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси ёшларининг “Камолот” жамғармаси, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Давлат Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Касаба уюшмалари Федерацияси, “Ватанпарвар” ташкилоти, “Нуроний” жамғармаси билан ҳамкорликда кўп босқичли “Шунқорлар” ҳарбий-спорт мусобақаларини ўтказиб келмоқда. Ўтган тўрт йил давомида ушбу мусобақалар узлуқсиз ўтказилиб, кўзда тутилган мақсад ва вазифалар муваффақиятли адо этилиб келинмоқда. “Шунқорлар” фақатгина мусобақалар бўлиб қолмасдан, “Соғлом авлод йили” дастури мақсадларини кўзлаган ҳаракат сифатида шаклланимоқда.

Бу йил ҳам ушбу мусобақаларнинг қуйи босқичлари Республикаимизнинг барча туман ва вилоятларида зўр қизиқиш ва кўтаринки руҳда ўтказилди. Мусобақалар Республикаимизнинг деярли барча ўрта ва ўрта махсус ўқув масканларида бўлиб ўтиб, унда 200000 дан ортиқ ўқувчи қатнашди. Мусобақаларда жанговар ва ҳарбий спорт беллашувларидан ташқари ҳарбий бурч, ҳуқуқий билимлар ҳамда Қуроли Кучларимиз тарихи доирасидаги билимлар борасида куч синашдилар. Қуроли Кучлар тартиб-қоидалари асосида казармаларда яшаб, жанговар техника, ҳарбий хизматчилар кундалик турмуши, ҳарбий хизмат шарт-шароитлари билан танишдилар ҳамда кўникмалар ҳосил қилдилар.

Жорий йилда “Шунқорлар” ҳарбий-спорт мусобақаларининг финал босқичи 2-5 май кунлари Тошкент Олий ҳарбий умумкўшун командирлари билим юрти-нинг Чирчиқ шаҳридаги ҳарбий дала-машқ полигонига ўтказилади 3 кун мобайнида кескин беллашувлар остида бўлиб ўтадиган бу мусобақаларда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг ўз ҳудудларида мутлақ голиб бўлган 14 та жамоа қатнашди.

Мусобақалар якунида голиб-совриндорлар, шахсий биринчилик голибларини “Камолот” жамғармаси ҳамда ҳамкор ташкилотларнинг қимматбаҳо совғалари ва дипломлари билан тақдирлаш кўзда тутилган.

**Ақбархон МАГДИЕВ,
“Камолот” жамғармаси
матбуот котиби**

БАҲОР ФЕСТИВАЛИ

Ўзбекистон ёшларининг “Камолот” жамғармаси “Тасвирий ойна” уюшмаси Наманган вилоят бўлими, Наманган шаҳар ҳокимлиги Наманган вилоят телерадиокомпанияси, ҳамкорлигида Наманган шаҳрида “Соғлом авлод — юрт қамоли” шiori остида вилоят ёшларининг биринчи анъанавий баҳор фестивали ўтказилди.

Шу муносабат билан вилоят ҳокими энг фаол ёшлардан 60 нафари учун қабул маросими ўтказди. Турли соҳаларда фидойилик кўрсатаётган, аъло ўқиши, намунали хулқи билан ўрнак бўлаётган бир гуруҳ ўғил-қизларга совғалар берилди.

Фестивалда ёш мусаввир А.Валиев ўз кўли билан чизган санъат асарларини намойиш этди. Шунингдек, “Нотўқимачи” ҳиссдорлик жамияти, “Намангантранс” бирлашмаси, ўрта-махсус, касб-хунар ўқув юртлари ва бошқа кўплаб даргоҳ талабалари ўз фаолиятларини акс эттирувчи бурчаклар ташкил этишди.

Фестивал давомида шаҳар ва туман ёшларининг бадиий чиқишлари намойиш этилди.

Эрта тонгдан кечгача боғда каттаю-кичик мириқиб дам олди. Энг яхши иштирокчилар 1-касб-хунар билим юрти, “Муштарик”, “Нотўқимачи” ҳиссдорлик жамиятлари, Саноат коллежи жамоалари катта микдордаги пул мукофотлари, қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Фестивал илк марта ўтказилганлигига қарамайдан унинг юқори савияда ташкил қилинганлиги иштирокчилар қалбида чуқур таассурот қолдирди.

Икромжон КАРИМОВ

Талабалар Темурийлар тарихи давлат музейида

Биз Ўзбекистон Давлат жаҳон Тиллари университети қошидаги хоржий тиллари чуқур ўргатишга ихтисослашган академик лицей талабалари яқинда Темурийлар тарихи давлат музейига тарих ўқитувчимиз билан бордик. Биз музейга кирар эканмиз, музей ходимлари очик чехра билан кутиб олдилар ва музейнинг мажлислар залига таклиф қилишди. Мажлислар залида Соҳибқирон Амир Темури ҳақида видеофильм кўйиб беришди, сўнг тарих фанлари номзоди, доцент Муҳаммаджон Урмонов Амир Темурининг ҳаёти ва фаолияти, музей курилиши, тарихи тўғрисида ҳам маълумот бердилар. Бу ҳақаматли музей Президентимиз И.А.Каримов ташаббуслари билан жуда қисқа вақт ичида “ЮНЕСКО” анжуманига мослаб куриб битказилганини билдик. Биз музей бўйлаб кўргазмаларни томоша

қиларканмиз, бизни хайратга солган нарса шу бўлдики, буюк бобомиз бўлмиш Соҳибқирон Амир Темурининг сурати деворга ўйилиб чизилган. Суратда Соҳибқирон Амир Темури ўнг кўли томонида қилич, сўл кўли томонида муқаддас китобимиз бўлмиш Куръони Карим билан тушаётган

Мактуб

фаришталар тасвирланган. Суратни кузатганимизда яна бир воқеа эсга тушади. Соҳибқирон Амир Темури сафарга отланаётганларида пири Сайид Барақдан дуо олиб сўнг кетардилар. Бу эса Соҳибқиронга илохий куч ато этарди ва сафардан галаба билан қайтишларига ёрдам берарди.

Бизнинг музейга боришимиздан асосий мақсадимиз тарих дарсида ўқиб ўрганган-

ларимизни яна бир бор мустаҳкамлаш эди.

Афсусланарлиси шундаки, Соҳибқирон Амир Темури давридан қолган тарихий буюмларнинг бир қисми ҳозирда чет эл музейларида сақланмоқда. Лекин шуни аниқ биламизки, тарихий анжомларимиз чет мамлакатларда сақланса ҳам булар бизнинг фаҳримиз ва ифтихоримиздир. Вақти келиб, нодир тарихий ёдгорликлар мустақил Ўзбекистонимизга қайтарилиб, ўз ватанимиздан жой олажак.

**Раъно МАҲКАМОВА,
Ўзбекистон Давлат жаҳон
тиллари университети
қошидаги академик
лицейнинг 105-гуруҳ талабаси**

"МУРКИСТОҲ" газетаси иловаси. 2000 йил 3 Май № 17 (74)

БОҚИМАНДА

Ишбиларимонлик билан шуғулланиб, фирма ёки дўкон очган, бозорга чиқиб савдо-сотиқ қилаётган аёлларнинг назаримда ҳеч қандай дарди йўққа ўхшайди. Лекин... ўзбекчилик. Ким кўчага чиқиб, турмуш ўртоғидан нолийди? Мен эримни боқяпман, эрим уйда болачакага қараб ўтирибди, деб айтади. Айниқса ўзбекнинг мунис ва хокисор хотинлари бу гапларни дилидан тилига кўчиришни ор деб биладилар. Бу тўғрида ўйламай ҳам қўйишади. Аммо турмушнинг оғир юки елкани эзганда, топган тангаси, икки бўлмаганини билганида "ёрилиши" мумкин.

Шўролар ҳукуматидан жуда хунук иллат мерос бўлиб қолган. "Олма пиш



оғзимга туш" деган. Биринг икки бўлишини истардингу, аммо йўлини тополмасдинг. Хозир эса ана шу йўллар кенг очиб берилган. Фақат озма-оз ҳаракат қил, талаш-тортиш, ўзингникини исботла.

(Давоми 4-бетда)

1979 йилнинг баҳори. Қишлоғимизда II-жаҳон урушида ҳалок бўлганлар хотирасига ёдгорлик тикланди. Оқ мрамрдан барпо этилган ёдгорликнинг очилиш маросими улкан тан-

келган авлоқдаги қишлоқда оқ мрамрнинг чиннидай товланганча кўзга ташланиб турганини алқаш билан

ҚАБР УСТИДА СУРАТГА ТУШМАНГ

нага айланиб кетганди. Одамлар ҳай-

ратланиб қарар ва уни "қишлоғимиз хуснига ҳол бўлиб тушибди", - деб қувониб қўйишарди. Назаримда кўпчилик уруш қурбонлари хотираси абадийлаштирилганидан севинмас,

оқора эдилар. Ёдгорликни очиш маросими туғач бир тўп оломон ёдгорлик супасига чиқволиб, мангу олов ёнида суратга тушишни бошлаб юборишди. Кутилмаганда бири қўйиб, бири суратга тушаётган одамларни мункиллаб қолган чол қўлидаги ҳассасини серпиганича қойиб қолди:

— Ҳой, иймонсизлар, ахир бу мрамр супа жасади жанг майдонларида қолган ота-боболарингизнинг рамзий қабри-ку. Тушларинг пастга!

Чолнинг гапини менсиган менсиди, менсимаган яна ўз билганини қилганича суратга тушишни давом эттираверди.

(Давоми 4-бетда)

ФАРЗАНДИНГИЗ ҚАЙСИ РАНГНИ ЁҚТИРАДИ?

Болалар хонасида қизил рангли ашёлар кўпроқ бўлиб, тўқ кўк рангдаги буюмлар иложи борица бўлмагани маъқул. Кўк ранг хонани кенг кўрсатади. Бола эса мўъжаз ерни ёқтиради. Болалар хонасига ёзиладиган гилам юмшоқ, қизил ёки сариқ рангли гуллари кўпроқ бўлсин. Ўйинчоқ танлашда ҳам болалар қора, жигар ранг, оқ, кул рангга унчалик ёқтирмаслигини унутманг.

Бола 12-13 ёшга тўлгандан кейин диди ҳам ўзгара бошлайди. Ўғил бола очик кўк рангга ёқтирса, қиз болага ҳаво ранг маъқул тушади.

ФАҚАТ СИЗНИ ДЕЙМАН

У билан ётоқхонада дугонанинг туғилган кунда танишдик. Мардонбек синглисини қутлагани келган кун мен бахтимни топдим. Ўша куни тилим айланолмай гарангсиб хонадан чиқиб кетдим. Бир боқишда севиб қолиш мумкинлигига энди ишондим. Хаёлларимда доимо у билан ўтаётган бахтиёр дамлар. Бир куни биз учрашдик. Синглиси баҳона суҳбатлашдик. Кетар чоғи қўлимга битта қип-қизил олма тутди. Унга хат ёзиб туришимни илтимос қилди. Лекин дугонам ҳеч нарсадан хабарсиз. Доимо акаси ҳақида гапирса оғзидан бол томади. Меҳроқибатли инсон дейди. Кутилмаганда унинг олдин қамалиб чиққанини айтиб қолди. Лекин безори-

лик учун эмас, балки турмуш ташвишларидан...

Онаси қаерга совчиликка борса қуруқ қайтаётган эмиш. Қамалган йигитга берадиган қизимиз йўқ деб айтишаётганмиш. Таътил кунлари қишлоққа борсам онам уйимизга келадиган совчилар ҳақида гапирдилар. Уларга ўқишни тугатмасдан бу ҳақда ўйламайман, деб айтдим. Ягона бахтим Мардонбек эканлигини айтишга рост иймандим. Ахир мен уни доим кутаман. Тақдир бизни бирлаштиришига умид қиламан. Пок севги ҳеч қачон завоқ топмайди дейишади-ку. Фақат сизни дейман Мардон ака.

Зумрад, Кашкадарё вилояти

МУҲАББАТ ЧИН БЎЛСИН



билмаса, ёки уни тушунмаса деб ўйлайман. Ахир қайси мақолани ўқимай бир-бирни алдаган, севган йигити ташлаб кетган ёки бўлмаса (қиз)и бошқа бировни севиб қолган. Шунанг муҳаббат бўлдики? Ундан кўра уйига кириб-

кираётгандай бўлади. Унда мана шундай сатрлар бор — "Кечалари уйкум келмайди, хаёлим сиз билан банд. Кимнидир соғинаман, кимнидир кутаман. Кимлигини ўзим ҳам билмайман. Балки сиз ўшадирсиз. Сиз ҳам мени кутарсиз, балки. Мен доимо сиздан ниманидир кутиб яшайман".

Албатта инсон умри фақат шодликдан иборат эмаску, менинг ҳам қайғули кунларим бўлган. Лекин барига чидаш керак, фақат умидсизликка берилмаслик керак. Саҳифа орқали тенгдошларимга бир гап айтмоқчиман: "Севги", "муҳаббат" деб ўзларингизни йўқотиб қўйманглар. Ундан ҳам кучлироқ, қимматлироқ туйғулар бор. Менинг фикримча инсон қалбидаги муҳаббат фақат Аллоҳгагина қаратилган бўлса тўғри бўларди.

Акмалжон ЮСУПОВ,
Фаргона вилояти,
Риштон тумани



А. ҲАКИМОВ чизган расм

МЕН
ВА У

Бобур БОБОМУРОД: МАЖНУННИ ҲАМ САРГАШТАИ САҲРО ҚИЛГАН МУҲАББАТ

Эй, юрак! Сен куйган эдинг,
Неча ўрни суйган эдинг.
Азобларни туйган эдинг,
Тагин, нахот, севмоқ мумкин?!

"Фақат Сиз..."им, эҳ, муҳаббат,
Шафқатсизим, ўв муҳаббат,
Тоқатсизим, оҳ, муҳаббат.
Тагин қандай севмоқ мумкин?!

Етмасми-ей бўзлаганинг,
Оташларда музлаганинг,
Кўкда сенинг кўзлаганинг,
Тагин кимни севмоқ мумкин?!

Тагин тошиб, тагин тингин,
Тагин тўлиб, тагин сингин.
Тагин йиғлаб, тагин кўнгин,
Тагин қанча севмоқ мумкин?!


МУҲАББАТ

Ҳар кимни ҳам ўтга ёқиб,
шайдо қилган муҳаббат,
Куйдириблар, қулдан қайта
пайдо қилган муҳаббат.
Маъно булким, Лайлони ҳам
Лайло қилган муҳаббат,
Мажнунни ҳам саргаштаи
саҳро қилган муҳаббат.

Синов айлаб садоқатинг,
жафо қилган муҳаббат.
Чин ошиққа у дунёда
вафо қилган муҳаббат.

Гулгунча тиканни ҳам
ато қилган муҳаббат,
Бу тўғрими, ҳамда ёки
хато қилган муҳаббат?

Кимни деса дард-у ғамни
раво қилган муҳаббат,
Дардман айлаб, ўзи тагин
даво



қилган муҳаббат.
Кўнгил ичра наво солган,
адо қилган муҳаббат,
Чун гадони султон, шохни
гадо қилган муҳаббат.

Дилдан тинни, бошдан хушни
жудо қилган муҳаббат,
Аё дўстлар, Бобурни ҳам,
фидо қилган муҳаббат!...

Учрашамиз бизлар барибир,
Бу дунёми, бошқа дунёда.
Чунки Сенсиз қувонч кам ахир,
Чунки менсиз қайғу зиёда.

Учрашамиз бизлар барибир,
Ўтса ҳамки орадан йиллар.
Чунки Сенсиз замин тор ахир,
Чунки менсиз бефайз манзил-
лар.

Учрашамиз бизлар барибир,
Мен ишонай, Сен ҳам ишонгин,
Чунки Сенсиз кун қулмас ахир,
Чунки менсиз отмайди тонгинг.

Учрашамиз бизлар барибир,
Муҳаббатни кечирар Оллоҳ,
Чунки Сенсиз савоб йўқ ахир,
Чунки менсиз гуллайди гуноҳ.

Учрашамиз бизлар барибир.
Юракларда эрийди армон.
Чунки Сенсиз ўлганман ахир,
Чунки менсиз ҳаётинг ёлғон

ЎРТАМИЗДА

Ўртамизда йиғлар муҳаббат
Ўртамизда кулади ғамлар.
Ўртамизда титрайди тоқат,
Ўртамизда бефарқ одамлар.

Эрк келтирар тушлар бемаҳал,
Ўртамизда ранго-ранг тунлар.
Айриламиз учрашиб ҳар гал,
Ўртамизда сарғимтил кунлар.

Бизнинг ҳаёт худонинг хайри,
Ўртамизда кўнгил нимтадир.
Дардлар-тутагш, тақдирлар-айри,
Ўртамизда армон биттадир.

Юрак синди, юрак ўлди
мард,
Ўртамизда

туйғу қолди тул.
Севмоқ энди бизга бўлди дард,
Ўртамизда қайғу солди гул.

Дил бўлинган, тил эса тилим,
Ўртамизда кўзлар дурафшон.
Хайр, севгим, хайр севгилим.
Ўртамизда сўзлар паришон...

КЎРТИМ КЕЛАР СИЗНИ

Умр оқмас бир текисда тек,
Кимларнидир ҳасрат енгадир.
Мен топарман иродани, лек —
Кўргим келар сизни негадир.

Ҳаёт кўҳна доно муаллим,
Садоқатли дўст бўлар ўлим.
Гарчи Сиздан айродир йўлим,
Кўргим келар сизни негадир.

Тун кутаман ойдин, юлдузлик,
Кун кутарман нурафшон излик,
Дилни ёмон эзди ёлғизлик,
Кўргим келар сизни негадир.

Гоҳ севгидан тошган дарёмиз,
Гоҳ меҳрга ташна саҳросиз.
Мен биламан — Сиз ҳам танҳосиз...
Кўргим келар Сизни негадир.

Муҳаббатдан мазмун эрур Эрк,
Бир армонга ҳар ким эгадир.
Сизсиз менга барча йўллар берк,
Кўргим келар сизни негадир...



йўқ эътибор.
Насаб бирла бўлса анга
шоҳлик,
Ҳасаб бирла етмиш мен-
га моҳлик
Анинг тожи кишварга
бўлса хирож,
Менинг олима бош қўяр

дошлик куйканаклиги
бошланади. Нозмеҳр бир кун
Искандарга ўзига илтифотсиз-
лик билан қарашининг сабаби-
ни сўраганда Искандар унга:
"Равшанакнинг отаси улуг шох

Муҳаббат шохни гадо, га-
дони шох қилади. Дунёда бу
дардга мутбало бўлмаган ҳеч
бир буюк зотни учратолма-
дик. Зеро бу туйғунинг ўзи

лан урушади. Лекин Ис-
кандар қўшини девлар олди-
да забун бўлиб, майдонга кир-
ган ҳар бир паҳлавон енгилб,
бандга тортилади. Искандар-
нинг ўзи ҳам, унинг илм хик-

мат аҳллари ва
қўшини саросима бўлиб,
ҳаяжонга тушади; ҳеч ким у
вахшийлар билан курашиш-
га ботинолмайди.

Тўсатдан ниқобдон бир
паҳлавон наъра тортиб май-
донга киради. Жангда жон-

ИСКАНДАРНИ БЎЙСИНДИРГАН ХИТОЙ ГЎЗАЛИ

инсониятни юксакликка
кўтаради.

Жаҳонни зир титратган
шоҳ Искандар Зулқарнай-
нинг саройида Равшанак
(Доронинг қизи), Нозмеҳр
(Маллунинг қизи) исмли
шаръий ва севики хотинла-
ри, учинчиси эса, хитой хо-
қони томонидан Искандарга
совға қилиниб, лекин шох-
нинг илтифотига ноил
бўлмай, унинг қалбини забт
қилиш учун пайт пойлаб юр-
ган доно ва паҳлавон бир қиз
бўлади.

Ҳамма кўп хотинли оила-
ларда бўлганидек Искандар
ҳам бир хотинига (Равшанак-
ка) кўпроқ меҳр қўяди, кўп
вақтини ўша билан ўтказади.
Хуснда, ноз-карашмада Рав-
шанакдан кўп даражада устун
бўлган Нозмеҳрнинг бунга
рашки келади. Орада кун-

бўлгани учун унга кўпроқ ил-
тифот қилишим керак", дейди.
Бу болаларча жавобни эшит-
ган Нозмеҳр тамом туюқиб ке-
тади.

Шу муносабат билан Ноз-
меҳр ўз хуснини Равшанакнинг
хуснига таққослаб Искандарга
таъна қилиб, шеър битади. Бир
гўзал хуснини ва фазилатлари-
ни бошқа бир гўзал билан чо-
ғиштиради, қаршисидаги ра-
қибни асло камситмайди, ав-
вал Равшанакнинг хусни таъ-
рифида шундай муболағали
мисрага келтирадики, лекин
Нозмеҳр ўз хусни ҳақида яна
шундай гўзал муболағакорлик
қиладики, қуёшдек ялтираб
кўринган Равшанак энди Ноз-
меҳр олдида нурсизланиб қола-
ди.

Бу сўзнинг муҳаббатга не
даҳли бор —

Ки, ишқ ичра шахликка

аҳли тож.
Анга фахр
нисбатда Жам-
шеддин,
Менга ор хусн
ичра хуршед-
дин.

Шу ҳужумдан
сўнг Нозмеҳр улуг
фотининг қалби-
ни фатҳ қилади.
Искандар томо-
нидан энди бутун
эътибор Нозмеҳр
томонига ўтади.

Лекин Хитой
канизагининг тақ-
дири ўзгача
бўлади. Кунлар-
нинг бирида Ис-
кандар оғир ва
даҳшатли жанг
майдонида "мўр"
номли хайвон-
лар, девлар би-



бозлик қилиб, девларнинг
устидан ғалаба қозонади. Ис-
кандарга янги ҳаёт, янги
шон бағишлайди. Жаҳон
шоҳи бу номаълум паҳлавон-
га миннатдорлик қилиш учун
сўз топа олмайди. Кечкурун
бу улуг паҳлавоннинг шара-
фига катта зиёфат беради,
зиёфат асноси паҳлавон
юзидан ниқобни кўтаради: бу
паҳлавон Искандар илтифо-
тига ноил бўлмаган хитой
гўзали бўлиб чиқади... Қиз
шоҳга маъқул бўлмагандан
сўнг, қандай қилиб бўлса ҳам,
унга бир ҳарб майдонида
ўзини кўрсатмоқчи бўлиб
юрар эди. Бу уруш у учун,
тўғрироғи унинг қалбини бу-
тун умр қалбини ёндириб
ўтаётган муҳаббат, рашк оло-
ви учун қасос эди. Шундай
қилиб хитой гўзали ўз орзу-
сига етди.

Уят бўлмади

тўғри овқатлансин, ўқисин, меҳнат қилсин. Агар кун тартибиданги шу кўрсатмалар қатъий белгиланган вақтда бажариб борилса, асаб системаси ишида маълум тартиб вужудга келади. Бундай тартиб бола организмнинг яхши ўсишига имконият туғдиради, иш қобилиятини оширади. Энг фойдалиси яхши хулқ кўникмалари ҳосил бўлиб боради. Бола маълум кун тартибига

хил овқатлардан кунига тўрт маҳал истеъмол қилиши зарур.

Айрим ота-оналар болаларни мактабдан келгандан сўнг та-наффуссиз 3-4 соат дарс тайёр-ласа хурсанд бўладилар. Машғулотдан кейин телевизор томоша қилишади ёки бадиий китоб ўқишга киришади. Кун тартибининг бундай режалаштирилиши болани касалга чалинтериши ёки заифлаштириши мумкин.

ҲАДЕМАЙ ОНА БЎЛАСИЗ

Бола тарбиясидаги режа

Боланинг соғлом ўсиб-улгайишида кун тартибининг гигиеник аҳамияти муҳимдир. Шунинг учун ҳам тиббиётда болалар гигиенаси алоҳида ўрин тутати. Болалар гигиенаси дейилганда, чақалоқликдан тортиб, 14 ёшга тўлгунча бўлган даврни тушунмоқ керак.

Болани тўғри тарбиялашда унинг ёшига қараб кун тартибини тузиш лозим.

Бир кеча-кундуз ҳаёт режасини шундай тақсимлаш керакки, бола нормал ухласин,

бўйсунушга одатлангандан сўнг таълим-тарбия иши осон кечади. Бу ҳол боланинг соғлом ўсишида катта роль ўйнайди.

Бола нечоғли ёш бўлса, организми уйкуга шунчалик кўп эҳтиёж сезади. Чунончи, 6-8 ёшдаги бола 11 соат, 9-12 ёшда 10 соат, 13-15 ёшда 9 соат ухлаши керак.

Ундан ташқари, бундай ёшдаги болалар ҳар уч ярим-тўрт соатда тўйимли ва хилма



ДОРИ ДОИМ ДАРМОН БЎЛОЛМАС

“Кундалик ҳаётимизда кўп ишлатиладиган дориворларнинг пуштга салбий таъсири бор деб эшитдим. Шу тўғрими?”

Дилшод, Бухоро тумани”

Ҳаётимизда ўзбилармонлик билан қабул қиладиган кўплаб дориворлар эркаклар жинсий ҳужайраларига салбий таъсир кўрсатиши аниқланган. Айниқса, сурункали касалликларда “зарб доза” билан қўллаш одат тусига кирган антибиотик, сульфаниламид, нитрофуран гуруҳи дориворлари шулар жумласидандир. Дориворлардан гентамицин, окситетрациклин, цефалоспорин, колимицин, пенициллин, фурадонин, тьестостерон, сустанон, омнадрен, аспирин каби дориворларни заруратсиз кўп қабул қилиш сперматозоидларга ўта салбий таъсир

кўрсатиши ҳақида маълумотлар мавжуд.

Экологик бузилишлар, кундалик турмушдаги заҳарли омиллар ҳам зурриётсизликнинг асосий сабабларидан биридир. Экологик мувозанатнинг бузилиши шак-шубҳасиз эрлик қувватига салбий таъсир кўрсатади. Қаердаки экологик ҳалокат хавфи бўлса, ўша ерда дардмандлик, жумладан бепуштлиқ, жинсий ожизлик, ёш келин-куёвлар қовуша олмаслики хасталиклари ҳам хатарли тарзда кўпаяди. Кундалик ҳаётимизда ишлатиладиган ацетон, бензол, хлоформ, эфир, иприт, кадмий, симоб, амиак буғи, мишьяк каби мод-

далар ўта зарарлидир. Бугунги кунда олимлар томонидан 24 хил заҳри қотил пестицидларнинг даҳшатли оқибатлари, яъни шахватни зарарлаш, ҳомилани заҳарлаш, мутаген ва ўсма касалликларини чақириш хусусиятлари аниқланган. Буларнинг қуйидаги турларидан, яъни гамма-изомер ГХЦГ, каптан, полихлорпинен, фталафос, севин, ялан, полимарцин, циноб, цирам, 2,4 кротил эфири, дихлораломочевина кабилардан, яъни қишлоқ ҳўжалигида кенг қўлланилиб, озиқ моддаларни заҳри қотилга айлантирувчи, баъзи юкумли касалликлар таъсирида бепушт бўлиб қолишлик ҳам мум-

ИЧКИЛИК — ОҒУ

Келин-куёв қўшиладиган кунни умуман жинсий яқинликдан олдин спиртли ичимликлар ичиш жуда ёмон одат. Одамларнинг аҳил оиласини, ёш умрини хазон қилиб, белдан қувватини оладиган, оғир касалликларга мубтало этадиган касофат — ичкиликбозликдир.

Француз врачлари томонидан ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатдики, ота-оналари ичкиликка берилган 1776 боланинг тўртдан бир қисми чақалоқлигдаёқ нобуд бўлган. 150 таси тутқаноқ касаллигидан азоб чеккан, 69 тасининг эси паст, 22 та бола тентак бўлган.

Фарзанд ҳаёт мазмуни, ҳар бир ота-онанинг орзу-умиди, битмас-туганмас бойлиги, суяган тоғи, қувончи. Фарзанд ўғилми, қизми, у ота-она учун бирдек азиз, бирдек ширин. Лекин шуни унутмаслик керакки, ота-оналар соғлом бўлгандагина, жисмоний ва ақлий жиҳатдан баркамол, соғлом фарзандлар дунёга келади.

Демак, ҳар қандай муваффақият, ғалаба, бахт-саодат ва фаровон турмушимиз негизда инсон саломатлиги ва уни асрашдек муҳим масала ётади.

Ичкилик — оғу, саломатлик кушандаси, эскилик сарқити ва бахт ўғрисидир.

Таъбир жоиз бўлса, биз ичкиликни одамнинг наслига, унинг ирсият томирига урилган болта деб атар эдик.

Қисқа муддатли қувонч, кайф берадиган ичкилик оғуси эрта-ми кечми одам организмни заҳарлайди, инсонни бахтсиз қилади, инсон учун бебаҳо бахт — ота-она бўлишдан ҳам махрум этади ёки нуқсонли фарзандлар туғилишига сабаб бўлади.

Тиббиёт тарихидан ичкиликнинг оғу, саломатлик кушандаси эканлиги бизга буюк алломалар

меросидан маълум. Абу Али ибн Сино шаробнинг ози ҳам оғу эканлигини ўзининг ўлмас “Тиб қонунлари” китобида ёзиб қолдирган.

Ичкилик организмдаги барча органлар, системалар, тўқима ва ҳужайраларни худди “ел тушган” каби заҳарлаб улғурати. Инсон ҳаёти учун зарур аъзолар: бош, мия, юрак, жигар, ўпкалар, хусусан буйраклар ва барча-барча аъзолар ишига жиддий путур етказилади.

Олимларнинг биохимик, генетик текширишлари шуни кўрсатдики, бир марта ичилган озгина спиртли ичимлик орган ва системаларда, хусусан қонда, жинсий ҳужайраларда 80 кунгача сақланиб, организмни заҳарлашга ва асоратлар қолдиришга қодир экан.

Кайф билан жинсий яқинлик қилиш, аввало, жинсий ҳужайралар ҳаракатчанлигининг бузилишига, уларнинг нафис ирсий структураларига ҳам путур етишига олиб келади, натижада нуқсонли фарзандлар дунёга келади.

Сурункасига ичиб юрадиган кишиларда жинсий безлар фаолияти анча сусаяди. Улар нормал жинсий яқинлик қила олмайдилар. Ичкиликка муккасидан кетган эркакларда аввало шахват таркиби бузилади ва камаяди. Ичкиликни кўп ичадиган аёлларнинг тухумдонларида ва тухум ҳужайраларида паталогик ўзгаришлар содир бўлади.

Шундай экан, ҳар бир киши ичкиликбозликнинг туб моҳиятини, унинг ҳаёт душмани, умр заволи, зурриёт оғуси эканлигини чуқур англаб етмоғи лозим. Соғлом фарзандлар кўриш учун энг аввало ичмаслик керак.

кин. Жинсий аъзолар сили, туберкулез, бруцеллез ва эпидемик паротит касалликлари билан болалик ва ўсмирлик чоғида оғриш бепуштликка олиб келиши аниқланган. Эпидемик паротит оғир юкумли касаллик бўлиб, халқимиз орасида “тепки” деб юритилади. Тепки қулоқ ости безини шикастлаган юкумли манба қон орқали тезда тухумларга етиб бориб, уни яллиғланишига ва сперматогенез жараёни бузилишига

олиб келади. Олис қишлоқларда паротит касаллигининг хатарини англашмай, бу хасталикни гўёки келинлар бир-икки бор тепишса, касаллик тезда йўқолиб кетади деб ҳисоблашади. Бу тадбир эса, аксинча касалликнинг бошқа аъзоларга, хусусан, тухумга тарқалиб, хатарли асоратларга, яъни бепуштликка олиб келиши мумкин.

СОҒЛИҚ БЎЛСА, ҲАММА НАРСА ТОПИЛАДИ

Кўпинча биз соғлиққа эътиборсиз бўламиз. Саломатликка путур етгач, пушаймон еймиз. Сиз соғлигингиз қадрига етасизми? Қуйидаги тест бу саволга жавоб топишингизга ёрдам берса ажаб эмас

1. Ишхонангизда ёки оилангизда сизнинг асабингизни эговлайдиган воқеалар бўлиб турадими?

а) ҳа — (1); б) йўқ — (5); в) ҳа, аммо мен унга эътибор бермайман — (3).

2. Ҳафтанинг бирор кунини спортга, сайр қилишга, саёҳатга ажрата-сизми?

а) ҳаракат қиламан — (3); б) вақтим йўқ — (1); в) албатта — 5.

3. Ҳозирги ишингизни яхши кўрасизми?

а) албатта — (5); б) ишласа бўлади — (3); в) ишимни ўзгартирмоқчиман — (1).

4. Нонушта қилишга, тушликда албатта учта

таом ейишга, кечки овқат вақтини ўтказмасликка ҳаракат қиласизми?

а) вақт топсам шундай қилишга интиламан — (1); б) албатта — (5); в) ҳаракат қиламану аммо ҳар доим ҳам шундай бўлмайди — (3).

5. Сиз ашаддий кашандамисиз?

а) кўпинча 1-2 та сигарет чекаман — (3); б) кўп чекаман — (1); в) чекмайман — (1).

6. Сиз чойни фақат эрта-лаб ичасизми ёки кун бўйи?

а) мен кўп чой ичаман — (1);

б) кўпинча 1-2 пиёла — (3); в) умуман кам ичаман — (5).

7. Эр-хотинлик муносабатингиздан кўнглингиз тўладими?

а) ҳа — (5); б) унча эмас — (3); в) йўқ — (1).

8. Ҳар кун жисмоний машқ билан шугулланасизми?

а) ҳаракат қиламан — (3); б) йўқ, вақт тополмайман — (1); в) албатта — (5).

9. Сурункали хасталикка

чалинганмисиз?

а) ҳа — (1); б) йўқ — (5); в) билмайман — (3).

10. Бирор ерингиз оғриса албатта дори ичасизми?

а) жуда оғриқ кучайганда — (3); б) ҳар доим — (1); в) умуман ичмайман — (5).

Балларни ҳисоблаймиз

0-16 балл. Сиз саломатлигингиз учун қай-гурмайсиз. Ўзингизга эътиборсизсиз. Ахир умр бир марта берилади. Соғлиқ учун қай-гуринг. Вақтида овқатланг, дам олинг, ёмон одатлардан сақланг.

17-33 балл. Соғлигингиз яхши! Ҳар доим шундай бўлиши учун ўзингизга эътиборли

бўлинг. Бунинг учун кўп ҳаракат қилиб, тоза ҳавода юринг. Агарда ёмон одатларингиз бўлса уни ташланг.

34-50 балл. Сиз “соғлиқ — туман бойлик” эканлигини яхши билар экансиз. Бу жуда эски! Аммо ҳаётда саломатликдан бошқа ташвишлар ва қувончлар ҳам борлигини унутманг.

ХОҲ
ИШОНИНГ...

юмлар уйдаги
жихозларни ар-
зонгаров сотиш-
ди. Яхши ҳам уй
биронинг номи-
да экан...

Алижонга бир
томондан осон
тутиб бўлмади.
Энди у бозордан
юрагини олди-



БОҚИМАНДА

(Давоми. Аввали 1-бетда)

Сожида Наманган вилоятининг Чортоқ туманидан. Тошкент Давлат университетининг тарих факультетини 1992 йил тугаллаган. Эри ҳам олий маълумотли ўқитувчи. 1993 йилда турмуш қуришган. Икки фарзандлари бор. Оила эса — йўқ бўлган ҳисоби. Алижон ўзини у мактабдан бу ташкилотга улаверган. Охири бу менинг ишим эмас деб, тижорат билан шугулланмоқчи бўлади. Пул топиш илинжида пойтахтга келади. Тошкентда қўллаб-қувватлайдиган, бошпана берадиган яқин-биродарлар йўқ. Бир ўзи иш бошлайди. Ундан мол олиб, бунга сотди. Аммо бири икки бўлмай қарзга ботиб қолди. Қарз эса вақтида берилмаса, орқа ўнгига қарамай болалайвераркан. Бир йил ичида хотинининг сепи-гилам, тилла бу-

риб, иш ахтаряпти. Талаби: эркинлиги бўлсин, пули яхши бўлмоғи шарт... Бу орада эса унинг жонига яна хотини Сожида оро кириб, рўзғорни тебратиб турди. Пешингача мактабда ишлаб, ундан кейин тонг саҳарлаб арзон-гаровга олган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бозорга олиб чиқиб сотди. Охири унинг ҳам сабр касаси тўлиб, ажрашаманга тушиб қолди. "Эр бўлиб оилани бошқариши керак-ку, - дейди Сожида. - Қачонгача мен "биринчи" бўламан. Ахир бурчингизни бажаринг, тайинли ишга бориб, оила боқинг, десам урадиган одат чиқарди. Ҳам хизмат, ҳам тухмат!" Ҳозир Сожиданинг ажрашишни сўраб ёзган аризаси суд ходимлари қўлида турибди.

Эркак деганда кўз олдимизга билаклари куч-қувватга тўла, Алпомиш келбат паҳлавон келади. Эр деганда бир тоғни тасаввур қилинг-у, у сизга суянчиқ ва паноҳ бўлсин. Худога

шукр, орамизда эрлик бурчини адо этиб, уй-рўзғорни тебратиб, атрофдагилардан раҳмат эшитаётганлар кўп. Аммо онда-сонда яқин ўтмишдан мерос бўлиб қолган дангасалик ва ҳаракатсизлик, ўзибўларчилик ботқоғига ботганлар ҳам учраб турмоқда. Демак, ҳамма пайт ҳам катта сумкаю, қоп кўтарган, бозорда бир сўм устида талашадиган аёлнинг бахти бутун эмас экан. У тўрт-беш боласи сафига қўшилган эрини ҳам боқиши, атрофдагиларга эса "булар жуда чарчаяптилар, ишлари оғирда", деб айтиши мумкин экан. Бу аёл қуёшдан қорайган, қўллари пахта травериб дағаллашиб кетган бир қиёфада бўлиши ҳам мумкин. Бу аёлни шаҳарлик, ўзига оро берган хоним қиёфасида ҳам учратиш мумкин. Фақат унинг мунгли кўзидан, яширин нигоҳидан ўй-ташвишлари билиниб туради.

Я.МЎМИНОВА

ҚОН ҲАМ ХУЛҚ-АТВОРНИ БЕЛГИЛАЙДИ




Аксарият юртларда одамлар бир-бирларидан "мучалингиз нима?" деб сўрашса, Японияда "қонингиз нечанчи гуруҳдан?" деб сўраш одатга кирган. Чунки, япон-

ишлай оласиз. Бундан ташқари, жонкуяр, сабр-тоқатли ва ўзгаларга хайрихоҳсиз. Заиф жиҳатларингиз шуки, анча қайсарсиз ва ўзингизни қўлга олишингиз бир мунча қийин.



III-гуруҳ қон эгаси. Сиз шахсиятпарастсиз, кўнглингиздаги ишни очик ошкора қилишга мойилсиз. Шу билан бирга, ҳамма нарсага тез мослашасиз. Ўпчил, уддабуронсиз, ўйларингизнинг



ларнинг фикрига кўра, қон гуруҳи одамнинг феъл-атвори ва унинг ўзига хос сифатларини белгилашда катта аҳамиятга эга бўлган омиллардан ҳисобланади.

Чунки, агар сизнинг қонингиз I-гуруҳга мансуб бўлса, демак сиз пешқадам бўлишни яхши кўрасиз. Ўз олдингизга бирор мақсад қўйсангиз, ўша мақсадингизга етишмагунча тиниб-тинчимайсиз. Олга бориш ва юқори мартабага эришиш йўллари излайсиз ва топа оласиз. Ўз кучингизга ишонинг. Сиёсатлардан маҳрум эмассиз. Аммо ожиз томонларингиз ҳам бор. Сиз жудаям рашкчи ва беҳаловат, бундан ташқари анча жиззаки одамсиз.

II-гуруҳ қон эгаси. Сиз осоишталикни ва тартибни яхши кўрасиз. Бошқалар билан яхши

қисқалигидан унча азоб чекмайсиз. Бироқ мустақил бўлиш истаги ҳар доим ҳам амалга ошмаслигини, баъзан бу хусусият одамнинг ожизлигига айланиши мумкинлигини унутманг.

IV гуруҳ қон эгаси. Сиз хотиржам ва беғамсиз. Одатда сизни бошқалар яхши кўради ва сиз билан бўлганда ўзларини яхши ҳис қиладилар. Уларнинг кўнглига йўл топа оласиз, айни вақтда атрофингиздаги кишиларга адолат ва назокат билан муомала қила оласиз. Лекин баъзан жуда тез ва узоқ иккиланиб, бир қарорга келишга қийналасиз.

Азиза ИЛҲОМОВА,
талаба

ҚАБР УСТИДА СУРАТГА ТУШМАНГ

(Давоми. Аввали 1-бетда)

То болаликнинг шавқи кетгунча ўша чолнинг ёдгорликни зиёрат этиб, шаҳидлар руҳи ҳурмати Қуръон тиловат қилиб юрганига гувоҳ бўлдим. Яқин йиллар ичида у ҳам раҳматлик бўлиб кетди.

Орадан бир авлод вояга етгудек давр кечса-да, қишлоқ одамларининг ёдгорликка нисбатан муносабати ўша-ўшалигича қолиб кетяпти.

Ҳар йили баҳор келди дегунча сураткаш амакилар елкасига фотоаппаратини осволганларича ўша ёдгорлик олдида пайдо бўлади-ўқувчилари, гит-қизлар шиб муқаддас раатга тушиш-шадилар. Ик-уруши кечган хоклари опке-қўйилган мар-оёқларини чалиштирво-суратга туша-хаёлида завқ-ёшлик онла-муҳрлаш фа-на тепасида гудек бўлиб, ўйиб ёзилган ота-бобола-қатор номла-



қўйишни фикр қилиб ҳам кўрмайдилар. Қолаверса, ушбу салобатли хотира тимсоли — тинчлик учун курашган аждодларимизнинг рамзий қабри саналишини тушуниб етмайдилар. Дарвоқе, мен 20 йилдан бери аянчли ахвол кузатилаётган бу ёдгорлик ўзим яшаган ҳудуд, яъни Хоразм вилояти, Боғот туманидаги Қипчоқ қишлоғида. Унинг ёнгинасида қишлоқ фуқаролар йиғини биноси ва мактаб, даволаш муассасалари жойлашган. Бу ерларда ўзини маърифатлиман деган одамлар меҳнат қилишади. Умид қиламанки, улар ўз маърифатини ёшлар маънавиятидаги бўшлиқларни тўлдиришга, ёхуд келажак авлод қалбида аждодлар хотирасини қадрлаш ҳиссини уйғотишга бахшида этадилар.

Эрпўлат БАХТ,
ўз мухбиримиз

ЎЙИННИНГ БОЛА РУҲИЯТИГА ТАЪСИРИ

Ўйин болалар фаолиятининг асосий тури, болалар ўсиб, камолга етишининг асосий қонуниятларидан бири. Ўйин орқали болаларнинг дастлабки меҳнат малакалари тарбияланади ва шаклланади. Бирон



бир машғулот болаларга тартиб, интизом қоидаларини ўзлаштириб олишга ёрдам беради. Ўйинда бола кўрган, билган нарсасини тасвирлайди. Бу эса унинг хис-туйғуларини чуқурлаштиради, аниқ тасаввурлашга ўргатади. Бола ўйнаганида қандай бўлса, катта бўлганида, ишда ҳам кўп жиҳатдан шундай бўлади.

Ўйиннинг ишдан фарқи одамнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда, моддий-маданий бойликлар яратишда иштирок этишидан иборатдир. Ўйин бундай мақсадларни кўзламаса ҳам, лекин озми-кўпми унга алоқадор десак янглишмаймиз. Чунки ўйин боланинг жисмоний ва руҳий кучларини ишга солишга ўргатади, бу кучлар эса ишлаш учун зарур. Ўйин орқали болада яхши фазилатлар ортиб, ривожлана боради. Ўйин вақтида боланинг куч-қуввати ошади, унинг ақлий қобилияти, маънавий-ахлоқий сифатлари таркиб топади.

Х.МАҲАМОВА
тайёрлади

Ҳурматли
ШОҲИДАХОН Сизни
муборак 25 баҳорингиз билан
қўтлаймиз. Ёш авлод тар-
биясида сизга мустақкам
ирода ва кўз-қувват тилай-
миз. Оилавий ҳаётингизда
хотиржамлик ва бахт-иқбол
Сизга доим ҳамроҳ бўлсин
Ҳурмат билан



АКБАРХОН

Қадрли **РОҲИПА ҚОРАҚУПОВА!**

Сизни таваблуд топан қўнғингиз билан тин юрак-
дан муборакбод этаман. Сизга бахт ҳамisha ҳамроҳ
бўлиб, фақат Сиз уқун порлаётган юлдузнинг соҳиба-
си бўлишингизни тилаб қоламан.

АЛИШЕР

Дунёда ҳаммадан азизингиз ва меҳрибонингиз
МУНИРА ая!

Сизни қўнғун айётингиз билан муборакбод этамиз.
Бахтингизга доимо соғ-омон юриб, фарзандларингизга
бош бўлиш.

Оила аъзоларингиз,
келинларингиз: Барно, Ҳамида

"ЧИМИЛДИК"

"ТУРКИСТОН"
ГАЗЕТАСИНING
ИЛОВАСИ

ИЛОВА ИЖОДКОРЛАРИ:
ЛАЙЛО, ЯШНАР, ЗИЁДА,
ШАҲНОЗА

САҲИФАЛОВЧИ: БАХТИЁР

ЧИМИЛДИК

2000 йил 3 Май

УЗА

КОЛОМБО. Шри-Ланка президенти Чандрика Кумаратунга "Тамил илама" озодлик йўлбарслари" айирмачи гуруҳини жанговар ҳаракатларни тўхтатиш ва музокара ўтказишга чақирди. Акс ҳолда, ҳукумат армияси мамлакат ҳудудий яхлитлигини сақлаш борасидаги операцияларини янада фаоллаштиради, деди у.

Сўнгги вақтларда айирмачи гуруҳ билан ҳукумат кўшинлари ўртасида бир неча бор кескин тўқнашув бўлиб ўтди.

БРАТИСЛАВА. Жорий йилнинг 28 июнидан Словакия билан Украина ўртасида визали тартиб жорий қилинадиган бўлди. Словакия ташқи сиёсат маҳкамаси бу ҳақдаги нотани Украинанинг Братиславадаги элчисига топширди. Словакия томони дипломатик ҳамда хизмат паспортига эга бўлган кишиларни визасиз ўз ҳудудига киритиш қондасини сақлаб қолишни таклиф қилмоқда.

ЖЕНЕВА. Швейцарияда БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича комиссиясининг йиллик 56-сессияси ўз ишини якунлади. Тадбирда дунё давлатларида ушбу соҳада амалга оширилаётган ишлар, камчиликлар, айрим минтақаларда юз бераётган можароларда фуқаролар ҳуқуқларининг тоғталиши, террорчилик ҳамда уюшган жиноятчиликка қарши кураш билан боғлиқ кўплаб масалалар муҳокама қилинди. Сессия якунида ушбу масалалар юзасидан қатор қарорлар қабул қилинди.

КАНЦЛЕРНИНГ АЙТГАНЛАРИ

Австрия канцлери Волфганг Шуссел Европа Иттифоқига кирувчилар учун аниқ жадвални белгилашга чақирди. У Венгрияга қилган бир кунлик ташрифида юқоридаги даъват билан чиқди.

Шусселнинг сўзига кўра, бу масаладаги ноаниқлик иттифоққа киришга даъвогар мамлакатлар сайловчиларида ишончсизлик туғдирди. Венгрия Австриянинг Ит-

тифоқидаги асосий иқтисодий ва сиёсий ҳамкори ҳисобланади. Мухбирларнинг таъкидлашича, ўта ўн "Озодлик" партияси билан коалиция ҳукумати ту-

зилгани боис Европа Иттифоқи ва Вена ўртасида зиддиятлар келиб чиққанига қарамасдан, Венгрия Австрия билан илиқ муносабатларни давом эттириш тарафдоридир.



ҲУКУМАТ СУДГА БЕРИЛДИ

Канадада бир гуруҳ сайловчилар Британия Колумбияси провинция ҳукумати-ни сайловолди компанияси вақтида ёлгончилик қилганликда айблаб, судга берди. 1996 йилда Британия Колумбияси ҳокимияти провинция бюджетини тартибга келтиришни ваъда бериб, қайта сайлов ўтказишга эришганди. Сайловлардан кейин эса ҳукумат ўз ваъдасини бажара олмаслигини маълум қилди. Даъвогар сайловчилар гуруҳи ҳукуматни қаллоблик ва муттаҳамликда айблашаётир. Мухбирларнинг хабарига кўра, Британия Колумбияси провинцияси ҳукумати бир қатор молиявий жанжалларни келтириб чиқаргани учун сайловчиларнинг бутунлай ишончини йўқотган ва истеъфога чиқиш эҳтимоли бор.

"Туркистон-персс"

П А Р И Ж. 3 май - Жаҳон

матбуот эркинлиги куни. Шу муносабат билан БМТ Бош қотиби Кофи Аннан, ЮНЕСКО Бош директори Коичиро Мацуура ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ташкилот олий комиссари Мэри Робинсон дунё давлатларида мурожаат қилиб, уларни матбуот эркинлиги борасида қабул қилинган қонунларга риоя қилишга чақирди. Халқаро ҳамжамият матбуот эркинлиги бузилишига қарши курашни давом эттириши лозим. Халқаро ташкилотлар бунинг учун бор имкониятни ишга солади, деб таъкидланган ушбу мурожаатномада.

АБУ-ДАБИ. Уммонда Форс кўрфазигадаги араб давлатлари ҳамкорлик кенгашига аъзо мамлакатлар вакиллари иштирокида учрашув бўлиб ўтди. Унда, асосан, Яқин Шарқдаги вазият, Бирлашган Араб Амирликлари билан Эрон Ислом Республикаси ўртасида чегаравий можаро билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Хабарларга қараганда, Армуз бўғозидаги Абу Мусо, Катта ва Кичик Томб оролларида эгалик қилиш борасидаги тортишув узоқ йиллардан буён Амирликлар билан Эрон ўртасидаги алоқаларга путур етказиб келмоқда. Ҳозир ушбу ороллар Эрон назоратида турибди. Бироқ расмий Абу-Даби ушбу ҳудудлар ўзига тегишли эканини ва Техрон оролларни куч билан ўз тасарруфида тутиб турганини таъкидламоқда.

ҚУМ ЕЙДИГАН ХОНИМ

Кимнингдир ҳар куни бир пиёла чой ичмаса кўнгли ўрнига тушмайди, кимдир гўшсиз овқатни тасаввур эта олмайди. Етмиш ёшли Хўжара Аммо исми хоним эса ҳар куни бир килограмм қум емаса қорни тўймайди.

Ҳиндистоннинг Жамнагар шаҳрида яшовчи бу аёл илк бора қумни бундан олтмиш йил муқаддам татиб кўрган эди. Шундан буён у бу "таом"сиз ҳаёт кечира олмайди. Ёшгина келинчакнинг ҳар куни қапа-лаб тупроқ ютишини эри ҳеч сингдира олмайди. Шу хусусда жанжал бўлавериш, ахийри эри оиласини ташлаб кетишга мажбур бўлди.

Хўжаранинг уч нафар қизи бор эди. Уларнинг бари оламдан ўтишди. Она агар улар ҳам тупроқ ва қум еб турганида балки менинг ёшимга етган бўлармиди, дея армон қилади. Албатта хоним қумни тановул қилишдан олдин яхшилаб элакдан ўтказиб, тозалайди, сўнг сувда яхшилаб ювади. Ана шундагина целофан пакетга худди талқон солгандай солиб, қорни очиб, кўнгли тусаганда кап ютиб юради.

Хонимнинг овқат ҳазм қилиш аъзоларини текшириб кўрган шифокорлар унинг жуда ҳам яхши сақланганини кўриб ҳайратга тушишди.

BRITISH AMERICAN
TOBACCO
UZBEKISTAN

To a graduate 2000!

*Do you want a long-term career with a leading company?
Do you want to work in a truly global environment, where
opportunities are endless?*

British American Tobacco Uzbekistan is looking for graduates with drive, ambition and determination, for open-minded young talents who can make contribution in a team-sharing knowledge and building on success.

Successful candidates will be offered a position of a management trainee in such functions as *Marketing, Finance, Information Technology* and will go through a two-year development programme.

We Challenge You programme is a unique chance to enter the world of global business with international team.

Candidates must only be the graduates of 2000 and have a good command of English.

You can take tests on May 16th, 17th at 3 p.m. at 2, Universitetskaya street, Tashkent State Technical University, Business Faculty (6th floor)

To find out more about We Challenge You programme contact Lola Davletova
120 55 55 (phone)
120 62 12 (fax)

we challenge you
to shape our world

"ЧИНОЗДОН" ОТАЖ кузатув кенгаши шуни маълум қиладики, 2000 йил 5 май куни соат 12:00 да жамият акциядорларининг 1999 йил хўжалик молия йили якунига бағишланган умумий йиғилиши бўлади.

КУН ТАРТИБИ:

1. "ЧИНОЗДОН" ОТАЖ бошқарувининг 1999 йилдаги фаолияти ҳақида ҳисоботи.
2. Тафтиш ва мустақил аудитор хулосаси ҳисоботи.
3. Девидент микдори-ни тасдиқлаш.

4. "ЧИНОЗДОН" ОТАЖ мустақил аудиторини тасдиқлаш.

Манзилимиз: Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Янги Чиноз кўрғони, "ЧИНОЗДОН" ОТАЖ биноси.

Кузатув кенгаши.

Утерянный диплом о среднем-техническом образовании № 204684 выданный в 1989 году СПТУ-21 бывшего Кировского района г.Ташкента на имя Каримовой Холиды Саби-ровны, считать недействительным.

Муассис:


ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ
«КАМОПОТ» ЖАМҒАРМАСИ

Бош муҳаррир
вазифасини бажарувчи
Лайло КАРИМОВА
Навбатчи муҳаррир
Зиёда АШУРОВА



Таҳририят:

Бош муҳаррир — 133-89-61
Қабулхона — 136-59-38
Хатлар бўлими — 133-79-69



Манзилимиз:

700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
Таҳририятга юборилган материаллар қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.